

Исманов И.Н.,

Фарғона политехника институти профессори,
иқтисод фанлари доктори

УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАРНИ ТАН ОЛИШ, БАҲОЛАШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

ИСМАНОВ И. Н. УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАРНИ ТАН ОЛИШ, БАҲОЛАШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Мақолада узоқ муддатли активларни тан олиш, баҳолаш ва ҳисобга олишда статик ва динамик ёндашувнинг моҳияти ва аҳамияти ҳамда молиявий ҳисоботларда узоқ муддатли активларни акс эттириш тамойиллари ёритиб берилган.

Таянч иборалар: узоқ муддатли активлар, баҳолашда статик ёндашув, баҳолашда динамик ёндашув, баланс қиймати, мулкӣ алоҳидалик, узлуксизлик, ҳисоблаш тамойили, харажатлар, даромадлар, инвестицион қарорлар.

ИСМАНОВ И.Н. НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ПРИЗНАНИИ, ОЦЕНКИ И УЧЕТА ДОЛГОСРОЧНЫХ АКТИВОВ

В статье раскрывается сущность долгосрочных активов, сущность и значение статических и динамических взглядов при учете и оценке, а также принципы отображения долгосрочных активов при финансовых отчетах.

Ключевые слова: долгосрочные активы, статический подход при оценке, динамический подход при оценке, балансовая стоимость, имущественная самостоятельность, непрерывность, принцип начисления, расходы, доходы, инвестиционные решения.

ISMANOV I.N. SOME PECULIARITIES OF LONG TERM ASSETS ACCEPTING AND ACCOUNTING

There is considers in the article essence of long term assets, apply of static and dynamic views in evaluating and assessment of long term assets in financial reporting.

Keywords: long term assets, statistic view of evaluation, dynamic view of evaluation, residual value, property liability, continuity, accruing principles, expenses, incomes, investment decisions.

Узоқ муддатли активларни тан олиш, баҳолаш ва ҳисобга олишда уларнинг бухгалтерия балансида акс эттиришнинг статик ва динамик усуллари муҳим аҳамият касб этади. Активлар қийматини ушбу усуллар талабларидан келиб чиқиб балансида акс эттириш натижасида, мос равишда, статик баланс ва динамик баланс тузилади.

Статик усулга кўра бухгалтерия балансини тузишда узоқ муддатли активларнинг айнан шу вақтдаги қиймати асос қилиб олинади. Статик ҳисобнинг асосий мақсади корхонанинг барча активларини сотишдан олган фойдани ўша вақтда мавжуд бўлган кредиторлик қарзларни тўлаш учун етарлилиги тўғрисидаги ахборотни беришдан иборат. Статик баланснинг устувор мақсади бўлиб, хўжалик юритувчи субъектни маблағ билан таъминловчи шахслар ўртасида тақсимлаш учун яроқли бўлган активларнинг қийматини намоиш қилиш ҳисобланади.

XIX асрнинг охири–XX асрнинг бошларида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги низолар бўйича қабул қилинган ажримлар мазмунида баланснинг асосий вазифаси мулкни баҳолашга қаратилган. Ҳисоботлар, энг аввало, корхоналарнинг ўз мажбуриятлари бўйича тўлов қобилиятига эга эканлиги ҳақида маълумот бериши лозим, деб ҳисобланган. Статик баланснинг бош мақсади кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва рўй бериши мумкин бўлган банкротликнинг олдини олиш, деб таърифланган. Шунинг учун ҳисобот тузишда бозор нархларини асос қилиб олиш ва корхона фаолиятининг пировард молиявий натижасини фақат у тугатилгандан кейин ҳисоблаб чиқиш мумкин, деб эътироф этилган.

Реал тўлов воситалари фақатгина корхона активларини сотиш орқали аниқланиши мумкин бўлгани учун кредиторлар:

ҳисобот тузишда бозор нархларини асос қилиб олиш кераклигини;

корхона фаолиятининг охириги молиявий натижасини фақат у тугатилгандан кейин ҳисоблаб чиқиш лозим, деб таъкидлашган.

Узлуксиз фаолият тамойилига амал қилинишини назарда тутган ҳолда, ҳуқуқшунослар корхонани сохта тугатишни, яъни инвентаризация яқунлари бўйича ҳар бир узоқ муддатли активларни уларнинг сотилиши мумкин бўлган нархида баҳолашни тавсия этганлар. Шундай қилиб, статик ҳисоб доирасида жорий бозор нархларини баланс тузишда асос қилиб олиш тартиби ҳамда ҳисоботга субъективлик элементи киритилган.

Мулкни баҳолашнинг объективлигини аниқлаш мезони ва кўрсаткичи бўлиб айир-

бошлаш қиймати ҳисобланган. Одатда, айирбошлаш қиймати чакана ёки биржа баҳоси сифатида намоён бўлган. Айирбошлаш қиймати бозорнинг объективлигига айнан шу тартибга кўра корхона ҳисобчилари ҳар бир ҳисобот санасига объектнинг, унинг олдинги даврда қандай баҳоланганлигидан қатъий назар, жорий қийматини аниқлаши лозим эди. Амортизация тушунчасига балансда асосий воситалар қийматини пасайтириш, деб қаралган. Бундан ташқари, баҳолаш балансда акс эттирилиши лозим бўлган активлар доирасини қандай аниқлаш масаласига боғлиқ бўлмаган ҳолда кўриб чиқилган.

Активларни балансда акс эттиришга бундай тартибда ёндашиш, албатта, жорий активларга нисбатан тўғри келиши мумкин, лекин узоқ муддатли активларга нисбатан бундай тартибни жорий этиш хатолик бўлар эди. Чунки узоқ муддатли активлар корхоналар фаолиятида бир неча ҳисобот даври мобайнида иштирок этиши ва даромад келтиришини назарда тутадиган бўлсак, уларни қайта баҳолаб, дастлабки қийматини ўзгартириб юбориш мумкин бўлади ва бунинг натижасида объективлик йўқолади.

Бозор муносабатлари шароитида статик балансни тузиш тамойиллари қуйидаги вазифаларни ечиш имконини беради:

корхона мулки қийматини батафсил акс эттириш;

мулк эгалари ва кредиторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

риск миқдорини аниқлаш;

корхона банкротга учраган вазиятда унинг мулкни кредиторлар ва мулкдорлар ўртасида тақсимлаш;

солиққа тортиладиган базани шакллантириш мақсадида кичик тадбиркорлар фаолиятининг молиявий натижасини ҳисоб тадбирларини ўтказмасдан аниқлаш.

Статик баланс тамойилларидан солиқ қонунчилиги меъёрларини қўпол равишда бузишга йўл қўядиган солиқ тўловчилар устидан солиқ назоратини ўрнатишда фойдаланиш мумкин.

XX асрда кўпчилик ҳолларда амалда бозор баҳоси ҳисобланадиган “адолатли қиймат” тушунчаси пайдо бўлди. Бу эса бухгалтерия ҳисобида дастлабки нархлар бўйича баҳолаш тамойилининг ҳукмронлигини шубҳа ости-

га қўйди. Ушбу ҳолат корхоналарда статик ҳисобни жорий этиш ва статик балансни тузиш заруриятини туғдиради. Статик баланс аудит мақсадлари учун жуда қулайдир. Бироқ амалиётда статик ҳисобни юритиш қўшимча ишларни амалга оширишни тақозо этади. Ҳозирги вақтда бухгалтерлар баҳолашнинг мантиқан мувофиқ бўлмаган ҳар хил турлари, ҳисобнинг мақсадлари, вазифалари ва концепцияларини ўзида мужассамлаштирган битта анъанавий баланс тузишни маъқул кўрадилар.

Динамик ҳисоб – бу муайян вақтга корхонага киритилган капиталнинг айланма ҳаракатини балансда ифодалашга имкон берувчи ҳисоб юритиш услубидир. Динамик балансда ҳисобнинг барча объектлари уларнинг таннархи бўйича акс эттирилади. Динамик баланснинг устувор мақсади бўлиб капитал қарама-қаршиликларини акс эттириш ва молиявий натижаларни даромадларнинг харажатлардан ортиб кетиши сифатида ҳисоблаб топишдан иборат. Бунда солиштирма даромадлар ва харажатларни мақсадга мувофиқ ва асосланган ҳолда бирхиллаштириш ва фойдани ҳисоблашга урғу берилади. Бундай ҳисоблаш асосида активларга йўналтирилган қўйилмаларнинг таннархига, яъни дастлабки нархларига эътиборни қаратиш ётади. Реал молиявий аҳволни акс эттириш иккинчи даражали мақсад бўлганлиги учун, активларни қайта баҳолаш ва бозор нархларини қўллаш керак эмас, деган тушунча бу ерда устун туради.

Динамик балансда баҳолашнинг бирхиллиги тамойилига риоя қилиниши лозим, чунки активларнинг ҳар қандай қайта баҳоланиши молиявий натижаларни бузиб кўрсатилишига сабаб бўлиб қолиши мумкин. Баҳолашни танлашда заҳираларни харид қилиш нархи ёки таннархнинг, бозор нархи ёки сотиш нархнинг энг паст бўлган нархларда баҳолашни талаб қилувчи эҳтиёткорлик тамойилига риоя қилиниши лозим. Энг паст нархлар тамойили балансни идеал динамик талқин қилишга мос келмайди, лекин шунга қарамасдан унга устунлик берилади. Динамик талқин тарафдорлари активларни балансда уларнинг таннархи (харид қилиш қиймати, ёки ишлаб чиқариш таннархи, ёки ишлатиш қиймати) бўйича баҳолашни афзал кўришади, бундан

ташқари баланснинг реаллигини тасдиқлаш услуби бўлиб фақат даромадлар ва харажатларни ҳужжатли текшириш мумкин, деб уқтирадилар, қайта санаш услублари эса инкор этилади¹.


Динамик баланснинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб харажатлар ва сарфлар ўртасидаги фарқни аниқлаш ҳисобланади. Харажатлар деганда, ҳақи тўланган ёки тўланиши лозим бўлган активлар тушунилади. Сарфлар деганда эса ўз вазифасини бажара олмай қолган, ҳисобдан чиқарилган активлар тушунилади. Шунинг учун бухгалтерия ҳисобининг вазифаси харажатларнинг сарфларга айланишини тўғри акс эттиришдан иборат бўлади.

Динамик балансда дебиторлик қарздорлиги сифатидаги даромад билан даромадларнинг келиб тушиши ўртасига қатъий чегара қўйилади. Даромадлар ўз ичига нафақат ҳисобот даврининг тушумларини, балки бўлажак сотишларнинг эҳтимолий қийматини ҳам олиши керак. Дебиторлик қарздорлигини ҳисобга олиш бухгалтерия регистрларида тўловни кечиктирилганлиги учун фоизларни акс эттирмасдан юритилиши керак. Бу балансда фақат реал қўйилган капитални акс эттириш зарурати билан тушунтирилади. Фоизлар “Фойда ва зарарлар” счёти бўйича фақат уларни тўлаш пайтида акс эттирилади. Кредиторлик қарз активларнинг, асосан, пул маблағларининг келгусидаги чиқиб кетиши сифатида талқин этилади.

Динамик балансда ишчанлик обрўси – бу сарфларга айланиши ва келажакда даромад келтириши лозим бўлган харажатдир. Шунинг учун мувофиқлик тамойилига кўра, кейинги ҳисобот даврларида бу харажат амортизацияланади.

Динамик балансда амортизация узоқ муддатли актив қийматини кўчириш жараёни сифатида кўриб чиқилиб, у активни ишлатиш шароитлари билан асосланади. Амортизацияланадиган актив қийматининг тақсимланиши актив келтирадиган нафга боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Бунда унинг тугатиш қиймати олдиндан режалаштирилади, шунинг учун

¹ Рудановский А.П. Анализ баланса. – М.: “Макиз”, 1926. – С. 278.



1-расм. Узоқ муддатли активларни ҳисобга олиш тамойиллари¹

амортизация меъёрлари активларнинг ишла-тиш муддатлари билан боғланмайди.

Динамик ҳисобда амортизация активлар-нинг амортизацияси эмас, балки улар эски-ришини акс эттирувчи актив ҳисобларга нис-батан контрактив сифатида акс эттирилади.

Узоқ муддатли активларни тан олиш, баҳолаш ва ҳисобга олиш тизимини шакл-лаштириш муайян бир тамойилларга бўйсун-иши керак. Узоқ муддатли активларни ҳис-обга олишда бевосита қўлланиладиган та-мойиллар 1-расмда келтирилган.

Биринчи тамойил – бу мулкӣ алоҳидалик тамойили. Бу тамойилга мувофиқ корхона-нинг мулки ва мажбуриятлари мазкур кор-хона эгаларининг мулки ва мажбуриятла-рига аралаштирилмасдан, алоҳида-алоҳида ҳисобга олинади. Мулкӣ алоҳидалик та-мойили иқтисодий субъектнинг унинг эгаси-га нисбатан юридик мустақиллигини таъмин-лайди.

Мулкӣ алоҳидалик тамойилининг моҳияти, аҳамияти уни статик ва динамик баланс тузишда қўлланиши Э.Шмаленбах ва Ж.Ришарларнинг статик ва динамик баланс

ҳисоботи назариясига бағишланган асарлари-да атрофлича келтирилган. Чунончи, ушбу асарда мулкӣ алоҳидалик тушунчасининг мазмуни мазкур тушунчанинг қайси ҳисоб (статик ёки динамик) йўналишга боғлиқлиги билан фарқланган. Бу олимларнинг фикрича, “динамик бухгалтерия ҳисоби – бу корхонани тугатиш мумкинлигидан қатъий назар, унинг самарали хўжалик фаолиятининг узлуксиз ёки қисқа оралиқ вақтлар ичидаги ҳолатини қайд қилиб бориш мақсадидаги ҳисобга олиш ти-зимидир. Динамик бухгалтерия ҳисоби кор-хонанинг узлуксиз фаолият юритиш тамойи-лига асосланади.

Статик бухгалтерия ҳисоби – бу корхона-нинг барча активларини сотиш пайтида, ун-дан тушган маблағлар унинг кредиторлик қарзларни қоплашга етарлими ёки йўқлигини аниқлаш имконини берадиган ҳисоб тизими-дир. Статик бухгалтерия ҳисоби корхона фа-олиятининг узлуксизлик тамойилига зиддир”².

Молиявий ҳисобот концепциясига мувофиқ, мулкӣ алоҳидалик тамойилида бухгалтерия ҳисобини динамик юритиш асос

¹ МҲХС ва БҲМС асосида муаллиф томонидан тузил-ган.

² Ришар Ж. Бухгалтерский учет: теория и практика: Пер. с фр. / Под ред. Я.В.Соколова. – М.: “Финансы и статистика”, 2000. –С. 44.

қилиб олинади ва динамик бухгалтерия баланси тузилади.

Мулкий алоҳидалилик тамойили корхона активларини бошқа корхоналар активларидан алоҳида ажратилган ҳолда ҳисобга олиб боришни тақозо этади. Мазкур тамойилга мувофиқ, корхонанинг бухгалтерия балансида корхонага тегишли бўлган мулкларгина ўз аксини топади. Корхонанинг назорати остида бўлган, ammo корхонанинг мулки ҳисобланмаган активлар бухгалтерия балансидан ташқари счётларда акс эттирилади.

Узоқ муддатли активларни мулкий алоҳидалик тамойилига кўра тан олиш ва бухгалтерия балансида акс эттириш 2-расмда келтирилган тартибда амалга оширилади.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти (МҲХС) талабларига кўра, узоқ муддатли активлар бухгалтерия балансида акс эттирилади, улар тўғрисидаги маълумотлар ёритиб берилади. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС) талабларига кўра эса узоқ муддатли активлар тўғрисидаги ахборот бухгалтерия балансида, шунингдек, "Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот"да (фақатгина асосий воситаларга тегишли бўлган қисми) ёритиб берилади. Бизнинг фикримизча, узоқ муддатли активларнинг фақатгина бир объектига тегишли ахборотни молиявий ҳисобот таркибида алоҳида шаклда бериш етарли эмас. Чунинчи, ушбу ҳисобот шакли МҲХСда ҳам кўзда тутилмаган. Корхоналарда асосий воситалардан ташқари, узоқ муддатли активларнинг бошқа турлари ҳам мавжуддир. Шу боис "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонуннинг 16-моддасида келтирилган "Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот"ни бекор қилиб, унинг ўрнига, узоқ муддатли активлар ҳаракати тўғрисидаги маълумотни молиявий ҳисоботга илова тариқасида келтиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи қонунлар ҳамда Фуқаролик кодекси ўртасида мулкий алоҳидалилик тамойилининг маъносини талқин қилишда айрим зиддиятликлар мавжуд. Жумладан, Фуқаролик кодексига мувофиқ мулкий алоҳидалилик тамойилида нафақат мулкий ҳуқуқнинг мавжудлиги, балки унинг ишончли бошқарув асосида эътироф этилиши ҳам тушунилади. Мулкий

алоҳидалилик тамойилини талқин қилишнинг юридик тушунчаси бухгалтерия ҳисоби тушунчасига қараганда кенгроқдир.


МҲХСда мулкий алоҳидалилик тамойили асосий тамойиллардан ҳисобланмайди. Агарда компания фойда олишни назорат қила билса, у ҳолда ижарага олинган мулк унинг активи бўлиб ҳисобланади. 17-сон МҲХС "Ижара"га асосан, операциялар ўзининг юридик шаклига эмас, балки моҳиятига кўра ҳисобга олинади ва ҳисоботда кўрсатилади. Молиявий ижара шартномасининг юридик шакли ижарага олинаётган активга эгалик ҳуқуқининг ўтишини кўзда тутмаслиги мумкин. Шунга қарамай, ижарачининг бухгалтерия балансида молиявий ижарани корхонанинг активи сифатида акс эттириш талабларини кўзда тутди. 17-сон МҲХС "Ижара"да шундай қайд этилади: "Агар бундай ижара операциялари ижарачининг балансида кўрсатилмаган бўлса, бунда иқтисодий ресурслар ва мажбуриятлар даражаси сунъий пасайтирилган деб қаралиб, молиявий муносабатлар бузилганлигини билдиради"¹.

Статик ҳисоб концепциясига биноан, барча ижарага олинаётган воситалар, оператив ёки молиявий ижара шартномаси бўйича олинган активлар бўлишидан қатъи назар, балансга киритилмаслиги ва балансдан ташқари счётларда акс эттирилиши керак. Динамик ҳисоб концепцияси эгалик ҳуқуқи деган тушунчани эътиборга олмайди. Ушбу концепция нуқтаи назаридан, корхона фойдаланадиган ҳар қандай актив бухгалтерия балансида кўрсатилиши керак.

Бизнинг фикримизча, узоқ муддатли активларни ҳисобга олишда мулкий алоҳидалик тамойили билан юридик шаклдан иқтисодий мазмуннинг устуворлиги тамойили ўртасида узвий боғлиқлик бўлиши зарур. Бундан ташқари, ушбу икки тамойилнинг амал қилиши даромад ва харажатларнинг мутаносиблик тамойилига асосланган бўлиши лозим. Мулкдан фойдаланувчи активлардан фойдаланиш натижасида иқтисодий наф олар экан, у ҳолда мулкнинг юридик ҳуқуқи активларнинг бухгалтерия балансида акс эттиришга асос бўлмаслиги керак.

¹ Молиявий ҳисоботнинг халқаро андазалари (рус тилидаги нашри). – М.: "Аскери-АССА", 1998. –384-б.

Узоқ муддатли активларни тан олиш ва бухгалтерия балансида акс эттириш алгоритми



2-расм. Узоқ муддатли активларни тан олиш ва бухгалтерия балансида акс эттириш¹

Бухгалтерия ҳисоби амалиёти ва юридик талқин нуқтаи назаридан келиб чиқиб узоқ муддатли активлар ҳисобига мулкӣ алоҳидалик тамойилини қўллаш қуйидагича ташкил этилиши мумкин: шахсий мулкчилик, хўжалик юртиш ёки оператив бошқарув ҳуқуқида бўлган узоқ муддатли активлар бошқа юридик шахсларнинг узоқ муддатли активларидан ажратилган ҳолда ҳисобга олинади.

Узоқ муддатли активлар ҳисоби негизда ётувчи кейинги муҳим тамойил – бу фаолиятнинг узлуксизлигидир. Ушбу тамойил кор-

хонани бир маромда фаолият юртишини ва яқин келажакда ўз фаолиятини давом эттиришини билдиради. Узлуксизлик тамойилига асосан, корхонада ўз фаолиятини тугатиш ёки қисқартириш нияти бўлмайти ва шунинг учун унинг мажбуриятлари ўрнатилган тартибда қондирилади.

Фаолият узлуксизлиги тамойили корхона активларини баҳолаш усулларини танлаш имконияти асосида юзага келади. Профессор Я.В.Соколовнинг таъкидлашича, ҳукумат томонидан ўтказиладиган асосий воситаларни қайта баҳолаш фаолият узлуксизлиги тамой-

¹ Муаллиф томонидан тузилган.

илининг мунтазам равишда бузилишига олиб келади¹. Бизнинг фикримизча, ўтказиладиган қайта баҳолаш мазкур тамойилнинг бузилишига олиб келмайди. Мазкур тамойил асосида активларни ўзгармас баҳоларда ҳисобга олиш эмас, балки фаолият юритаётган корхонани тан олиш ётади.

Динамик ҳисоб концепциясига биноан, асосий воситаларни дастлабки ёки тикланиш баҳолари асосида баҳолаш корхона активларининг рентабеллигини ҳисоблаш учун зарур. Корхона фаолияти узлуксизлиги тамойили мос келиш тамойили билан солиштирилиши лозим, яъни унга қўра, харажатлар ўша ҳисобот даврига шундай мос келиши керакки, шунга яраша даромад олинган бўлиши керак. Инфляциянинг ўсиб боровчи ва тайёр маҳсулотнинг нархни оширишга олиб келувчи даражаси мазкур корхонанинг асосий воситаларини қайта баҳолаш заруриятини келтириб чиқаради.

Фаолият кўрсатаётган корхона учун узоқ муддатли активларни баҳолаш баланс қиймати бўйича амалга оширилади, бу ерда баланс қиймати деганда дастлабки қиймати, шунингдек, жорий тикланиш, ёки ўтказилган қайта баҳолашлар ёрдамида ҳисоблаш, ёки эксперт йўли билан аниқланган жорий бозор баҳолари тушунилиши мумкин. Чекланган хизмат муддатига эга бўлган узоқ муддатли активлар учун мазкур муддат давомида дастлабки қиймат тизимли равишда камаёди. Шунга асосланиб, корхонанинг бухгалтерия балансида узоқ муддатли активлар қолдиқ қийматда қайд этилади. Агар корхона ўз фаолиятини тугатса, кор-

хона фаолиятининг узлуксизлик тамойили бузилади. Бундай шароитда корхона мулкани баҳолаш усулини ўзгартириш лозим.

Ўз фаолиятини тугатаётган корхона учун узоқ муддатли активларни баҳолашда сотиш қиймати усули қўлланилиши лозим. Бунда қуйидаги ҳолатлар вужудга келиши мумкин: юридик шахснинг узоқ муддатли активларини сотиш қиймати кредиторлик қарзларини қоплаш учун етарли бўлади;

юридик шахснинг узоқ муддатли активларини сотиш қиймати кредиторлар талабини қондира олмайди ва улар ўзларига тегиши мумкин бўлган улушнинг бир қисмини олади;

юридик шахснинг узоқ муддатли активларини сотиш қиймати қарзлардан анча кўп ва у қарзларни тўлалигича қоплаш учун етарли бўлади.

Шундай қилиб, корхона фаолиятининг узлуксизлик тамойилини узоқ муддатли активлар бухгалтерия ҳисобига татбиқ этиб, қуйидагича ифодалаш мумкин: фаолият олиб бораётган корхонанинг узоқ муддатли активлари баланс қиймати (дастлабки, жорий тикланувчи, жорий бозор баҳолари, қолдиқ баҳолар)да баҳоланади. Корхона фаолияти тўхтатилиб, оралиқ тугатиш баланси тuzилаётганда узоқ муддатли активлар сотиш қиймати бўйича баҳоланади. Тан олинб баҳоланган ва ҳисобга олинган ҳамда молиявий ҳисоботларда акс эттирилган узоқ муддатли активлар тўғрисидаги маълумотларнинг объективлигини таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида, объектив инвестицион қарорлар қабул қилинишини таъминлайди.

Адабиётлар:

1. Исманов И.Н. Узоқ муддатли активларни баҳолаш. // "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги", 2008, № 1. –28-б.
2. Молиявий ҳисоботнинг халқаро андазалари (рус тилидаги нашри). – М.: "Аскери- АССА", 1998. –384-б.
3. Ришар Ж. Бухгалтерский учет: теория и практика: Пер. с фр. / Под ред. Я.В. Соколова. – М.: "Финансы и статистика", 2000. –С. 44.
4. Рудановский А.П. Анализ баланса. – М.: "Макиз", 1926. –С. 278.
5. Соколов Я.В., Палий В.Ф., Ремизов Н.А. и др. Реформа бухгалтерского учета. Российские и международные стандарты. Практика применения. – М.: "Книжный мир", 1998. –С. 13.

¹ Соколов Я.В., Палий В.Ф., Ремизов Н.А. и др. Реформа бухгалтерского учета. Российские и международные стандарты. Практика применения. – М.: «Книжный мир», 1998. –С. 13.